ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
ИммуноБАКТ

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШ ШАКЛИ.
Пакетда кукун ҳолида ёки капсулада 500 мг дан.
ТАРКИБИ. 1 гр. препаратда 10 млрд фойдали тирик бактериялар ва пектин мавжуд. Ушбу восита кукунсимон, оқ малла рангда бўлиб, ўзига хос ҳид ва таъмга эга.
LactobacillusplantarumLP28,
Lactobacillus casei, Lactobacillus reuteri,
Lactobacillus rhamnosus,
Lactobacillus helveticus,
Lactobacillus acidophilus,
Lactobacillus fermentum,
Lactobacillus delbrueckii (sp. Lactis),
Lactobacillus paracasei (sp. L. paracasei);
Bifido bacterium bifidum,
Bifido bacterium lactis,
Bifido bacterium longum;
Enterococcus faecium;
Streptococcus thermophilees;
Bacillus coagulans
Экстракт эхинацеи – 130 мг хар бир саше пакетида,
Экстракт эхинацеи – 160 мг хар бир капсулада.
Ёрдамчи моддалар. Мальтодекстрин, картошка крахмали.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ.

ИммуноБАКТ таркибига кирувчи бактериялар ичак микрофлорасининг физиологик мувозанатини тиклаш ва сақлаб қолиш хусусиятига эга. Бифидобактериялар ва Лактобактериялар сут ва сирка кислотасини ишлаб чиқариб, патоген микроорганизмлар фаолияти ва кўпайиши учун ноқулай шарт-шароит яратади: ҳазм қилиш жараёни ва витаминлар синтезида (B1,B2,B3,B6,B12,H ва PP, фолат кислотаси, K ва E) иштирок этади. Электролит мувозанатини, оқсиллар, фосфолипидлар, сафро, ёғ кислоталари, билирубин, холестерин алмашинувини тартибга солади, иммунитетни мустахкамлайди.

ҚЎЛЛАНИЛИШИ
- ичак микрофлорасининг мувозанатини бузилиши – дизбактериозни (таъсирланган ичак синдроми) олдини олиш ва даволаш
- антибиотиклар ва химиотерапевтик воситалар билан даволаниш вақтида болалар ва катталарда ривожланадиган дизбактериозлар
- диарея, метеоризм, қабзиятлар
- колитлар, гастроэнтероколитларда (ўткир ва сурункали) қўлланилади
- Иммунитетни мустаҳкамлайди.

ҚЎЛЛАШ УСУЛИ ВА ДОЗАЛАРИ
Эмизикли ва 3 ёшгача бўлган болаларга овқатланиш вақтида пакет ичидаги кукун кўп бўлмаган миқдордаги суюқлик (шарбат, 45°С дан юқори бўлмаган ширин сув, она сути, сунъий болалар овқати)га қўшиб берилади.

6 ойгача бўлган болаларга	**1 суткасига 1 маҳал 1 пакет**
6 ойдан 3 ёшгача бўлган болаларга	**1 пакетдан суткасига 2 маҳал**
3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга	**1 капсуладан суткасига 3 маҳал**
12 ёшдан катта болалар ва катталарга	**2 капсуладан суткасига 2-3 маҳал қабул қилинади**

Қўллаш давомийлиги 1-3 ҳафтагача.
Яроқлилик муддати 2 йил.
Сақлаш шароити. Қуруқ ёруғликдан ҳимояланган жойда +5°С дан +25°С гача бўлган хароратда сақлансин.
Чиқарилиш шакли. Пакетда кукун ҳолида ёки капсулада 500 мг дан.
Ишлаб чикарувчи. ООО “ZIM-MED” г.Ташкент, М.Улугбекский район, Феруза (Кодирова) кучаси, 4-уй, 9-хонадон.
БФҚ. Доривоситаси эмас.